

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН МАДАНИЯТИ – ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Б.Х.Данияров, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари

Умумий ўрта таълим муассасаларида бошланғич таълим жараёнига инновацияларни татбиқ этиш ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятидан бошланади. Чунки ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнининг етакчиси бўлиб, унинг инновацион маданияти, ташаббускорлиги, ижодий фаоллиги, ностандарт фикрлаши, янгиланиш ва новаторликка бўлган интилиши таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш, уларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришда ўқитувчиларда қуйидаги элементларнинг мавжудлиги муҳим ҳисобланади: ўқитувчиларнинг янгиликларни қабул қилишга тайёрлигини тавсифловчи мотивлар, қарашларнинг мавжудлиги, уларда инновацион йўналганликнинг шаклланганлиги; креативлик ва индивидуаллик, фаолиятли ўзини англаш каби ижодий қобилиятларнинг мавжудлиги; ўқитувчиларда педагогик маданиятнинг ривожланганлиги; ўқитувчиларда анъанавий топшириқларни вариатив услубда амалга оширишни таъминлайдиган технологик компонентнинг шаклланганлиги; ўқитувчиларда инновацион жараёнда ўзи ва мазкур жараёндаги ўрни ҳақида адекват тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашувчи рефлексиянинг мавжудлиги.

Инновацион маданиятга касбий ҳодиса сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Чунки маданият касбнинг хусусияти билан боғлиқ бўлиб, мутахассис қайси соҳада фаолият кўрсатишидан қатъи назар, жамият ҳаётидаги турли соҳаларга, яъни меҳнат, маиший хизмат, дам олиш, таълим ва мулоқот соҳаларига янгиликларни киритади.

Ўқитувчи инновацион маданиятининг фаолиятли компоненти – инновацион педагогик фаолиятда ўқитувчиларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиш маданиятини акс эттиради. Мазкур компонент таркибига қуйидагилар киради: гуруҳий инновацион педагогик фаолиятда ўз имкониятларини тўғри баҳолаш ва ўз кучини тўғри тақсимлаш; жамоа инновацион педагогик фаолиятда жомоа олдидан жавобгарликни ҳис этиш; гуруҳий инновацион педагогик фаолият натижалари учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш; мунозарали саволларни ечишда ўзини тутишни билиш; гуруҳдаги мавқеини тушунтиришда касбдошлари билан келишиш ва бошқалар.

Ўқитувчи инновацион маданиятининг коммуникатив компоненти – педагогларнинг ахборот ва маълумотларни алмаштириш жараёнида иштирок этиш маданиятини ифодалайди. Инновацион педагогик жараёнда ахборот ҳажми ва маълумотлар тури ортиб боради. Шунинг учун инноватор-ўқитувчи кўп миқдорда психологик-педагогик, методик адабиётларни ўрганиши, инновацион ва анъанавий фаолият натижаларини кузатиш ва таҳлил этиши керак. Бунинг учун янги диагностик методлардан фойдаланиш, маълумотлар ичидан асосий ва иккинчи даражали маълумотларни ажратиб олишни билиши лозим. Шунингдек, инновацион педагогик жараёнда ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникацион технологияларни ўзлаштиришга оид тажриба алмашиш бўйича иштироки ҳам ортиб боради.

Коммуникатив компонент қуйидагиларни ўз ичига олади: инновацион педагогик жараёнда ахборот ва маълумотларнинг ўрнини тушуниш; янги ахборот ва маълумотлар манбаи, шу жумладан АКТларга ижобий муносабатда бўлиш; ахборот ва маълумотлар аҳамиятини обектив баҳолашга интилиш; ахборот ва маълумотларни долзарблилик, ҳаққонийлик ва фаолиятлилик мезонларига қараб тизимлаштириш; турли манбалардан олинган ахборот ва маълумотларни таққослаш, таҳлил этиш; инновацион манбалар таркибидаги муҳим деталларга аҳамият қаратиш.

Ўқитувчи инновацион маданиятининг шахсий-ижодий компоненти – ўқитувчининг индивидуал педагогик фаолиятида педагогик янгиликлар талқинини таъминлайди. Ўқитувчи инновацион маданиятининг шахсий-ижодий компонентида қуйидагилар киради: муайян таълим муассасаси шароити ҳамда ўқувчилар хусусиятларига ўзлаштирилган инновацион педагогик тажрибани мослаштириш; инновацион ғояларни татбиқ этишда уларнинг ривожланиш истиқболини кўра олиш; педагогик янгиликларни татбиқ этиш бўйича ўз

имкониятларини объектив баҳолай олиш; янги талабларга мувофиқ ўз малакасини ошириш қобилиятига эга бўлиш; ўз фаолиятида анъанавий ва инновацион педагогик тажрибани интеграция қилишни билиш;

Ўқитувчилар инновацион маданиятининг юқорида келтирилган компонентлари янги педагогик қадриятлар, технологиялар, янги шароитларда касбий ўзаро таъсир услублари, ахборот алмашиш жараёнида иштирок этишнинг янги шакллари ва касбий-ижодий ўзини кўрсатишнинг янги имкониятларини педагоглар томонидан эгалланишини назарда тутди.

❦❦❦❦